



O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-256

2020 йил "5" май

№ 881

Янгибозор тумани

**Янгибозор туманидаги Боғолон қишлоғининг "Санжар" ҳудудидан "DEVELOPING" масъулияти чекланган жамиятига "Замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона" қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Янгибозор туманидаги Боғолон қишлоғининг "Санжар" массиви ҳудудидан "DEVELOPING" масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг "Замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона" қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган ёзишмаси ҳамда Янгибозор туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, Хоразм вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Янгибозор туман СЭО маркази, Янгибозор туман ФВ бўлимининг хулосалари ҳамда ушбу юзасидан Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси, хулосаси ва баённомасини кўриб чиқиб, Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг баёнига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддаси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига асосланиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг "DEVELOPING" масъулияти чекланган жамиятига Санжар массиви қишлоқ хўжалиқ ер харитасининг 27-контурдан 4,0 гектар замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 25 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш тўғрисидаги далолатномаси, хулосаси ва баённомаси маъқуллансин.
2. "DEVELOPING" хусусий корхонасига Боғолон қишлоғидаги "Санжар" массиви қишлоқ хўжалиқ ер харитасининг 27-контурдан 4,0 гектар ер майдонида замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 25 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиб берилсин.
3. "DEVELOPING" хусусий корхонасига;
  - лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатишда тегишли корхона ташкилотлардан хулосалар олиш вазифаси юклатилсин;
  - мазкур қарор АРТ-1, АРТ-2 ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш учун асос бўлиб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун асос бўла олмайди;
  - Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-қисмига мувофиқ 2 йил мабойнида ажратилаётган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда ва бошқа мақсадда фойдаланилганда қабул қилинган қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Янгибозор туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига Вилоят ҳокимининг ҳукуки давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Янгибозор туман ер ресурслари ва ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ажратиб берилган ер майдонини ўз жойида (патурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ва ер хисоботига ўзгартириш киритиш, Янгибозор туман курилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу курилиш ишини шаҳарсозлик норма ва қондалари мос келишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилишни туман ҳокими ўринбосари Б.Тулиев иммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



*[Handwritten signature]*

Ў.Курбанов